O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 9-YANVAR ■ PAYSHANBA ■ 4 (27.024) ■ UZB OVOZI@SARKOR.UZ ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

● МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ — ЎЗЛИГИМИЗ, ЎЗБЕКЛИГИМИЗ



Нақшларга бахшида умр

Ўзбек халқ амалий санъатида нақкошлик, ганчкорлик ўзига хос ўрин тутади. Санъатнинг ушбу йўналишида Наманган мактаби томонидан яратилган ишлар маънавиятимизнинг такрорланмас бебаҳо бойликларидир.

Бугун бу мактабнинг бошида турган усталар сулоласининг давомчиси, мураббий, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, «Дўстлик» ордени нишондори Мадаминхон Ҳусаинов санъат сирларини, боболардан мерос эзгу амалларни ёшларимизга ўргатмоқда.

— Мен ушбу ҳунарни раҳматли отам Ҳусанхўжа Имомовдан ўрганганман. Биз уч ака-ука — Авлиёхон, Маъсудхон ва мен ота касбини давом эттирдик. Отам бинокор, дурадгор уста бўлса, мен унинг ёнига ганчкорлик, нақкошлик, деворлар ва уйларнинг тепа қисмини безашни ҳам қўшдим. Ўзим асосан шу йўналишда иш олиб бораман. Шогирдларим Мамадихон, Ҳакимхон, Маъсудхон, Яҳёхон, Маҳмудхон, Муҳаммаджонларнинг ўзлари бугун устоз даражасига етдилар. Ҳунаримиз авлодлардан-авлодларга ўтиб бораверади. Бугун уни ўғилларим Ҳамидхон, Абдумажид, Убайдулло, Абдурауф, набираларим Неъматхон ва Зоиджонлар эгаллаб, ота-боболардан мерос касбни ардоқлаб, мукаммалдан мукаммалга етказишга ҳаракат қилмоқдалар. Бугун ҳам баҳоли қудрат ёшлар билан ҳамнафас иш олиб бораяпман. Косонсой туманида яшаб ижод қилаяпман. Туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Убайдулла Маматов ташаббуси билан бунёд этилаётган Маҳдуми Аъзам Косонийнинг рамзий мақбарасини безаш ишларида иштирок этаяпман. Ёшим 75 да. Ҳамон қўлимдан мўйқаламимни қўйганим йўқ. Истиқлолга шукрона айтаман. Ҳунармандларга яратилган шароит ва беқиёс ғамхўрликдан кўксим тоғдек ўсмоқда, — дейди Мадаминхон Ҳусаинов.

Ўз умр йўлларини нақшлар билан безаётган уста ва у кишининг фарзандлари, шогирдлари қилаётган ишлар барчамиз учун ибрат мактабидир.

Фарруҳ ҲАМИДУЛЛО ўғли

✧✧✧

Суратларда: *1. Фарзанд ва шогирдлар даврасида. 2. Косонсой туманида барпо этилаётган Маҳдуми Аъзам Косоний рамзий мақбараси. 3.Уста Мадаминхон Ҳусаинов.*

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Эзгулик ва мурувват байрамига тайёргарлик

Вазирлар Маҳкамасида Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши раисининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, мазкур комиссия раиси Ҳ.Кароматов бошқарди.

Наврўз — янгиланиш, яшариш байрамидир. Истиқлол йилларида у халқимизнинг чинакам эзгулик, меҳр-мурувват, хайр-саховат байрамига айланди. Шу боис ушбу айём юртимизда ҳар йили кўтаринки руҳ ва шодиёна билан нишонланади. Байрам тантаналарида халқимизнинг асрлар оша эъзозланиб келаётган миллий қадриятлари ва анъаналари, бугунги кунда жамиятимизда кечаётган янгиланиш жараёнлари бадиий дастурларда акс эттирилади. Мамлакатимизда умумхалқ байрамини муносиб кутиб олишга қаратилган тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган.

Анъанага кўра асосий тантаналар пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтади.

Ишчи гуруҳи томонидан бу ерда намойиш этиладиган театрлашган томошалар устида иш олиб борилмоқда.

Ватанимиз ўз мустақиллигининг ўн иккинчи йилига қадам қўйди. Ўтган давр мобайнида эришган ютуқларимиз, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан эълон қилинган Обод маҳалла йили, мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор ушбу тантаналар дастурида ўзининг ёрқин ифодасини топади. Бу борада санъатнинг турли йўналишлари бўйича ўтказилаётган кўрик-танловлар муҳим аҳамият касб этаётир.

Умумхалқ байрами нафақат пойтахтимиз, балки Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва қишлоқларда кенг нишонланади. Мажлисда байрам арафасида кам таъминланган, серфарзанд оилалар, ёши улуғ кишилар, меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиш, уларга яқиндан кўмаклашиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Меҳрибонлик, мурувват уйлари, махсус мактаб-интернатлар ва касалхоналарда турли байрам тадбирлари, кечалар, давра суҳбатлари ташкил этиш лозимлиги уқтирилди.

Мажлисда Самарқанд шаҳрида ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш хусусида сўз борди.

Мустақиллик йилларида миллий мусиқа санъатимизни жаҳонга кенг намойиш этиш имконияти пайдо бўлди. Бу борада давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ўтказилувчи «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали муҳим аҳамият касб этади. Жорий йил истиқлол байрами арафасида ушбу мусиқа фестивали мамлакатимизда тўртинчи бор ўтказилади. Ҳозирданоқ жаҳоннинг кўплаб давлатларидан мусиқашунослар, санъаткорлар, олимлар, мусиқа шинавандалари унда иштирок этиш истагини билдираётир. Бу фестиваль жаҳон миқёсида эътироф этилиб, обрў-эътибор қозонаётганидан далолатдир.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ҳ.Султонов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

«Ўзбекистон: сиёсат, жамият, маданият»

УМУМСАРЛАВҲАСИ ОСТИДА ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИДА МАМЛАКАТИМИЗГА БАҒИШЛАНГАН ЖУРНАЛ ЧОП ЭТИЛДИ

«Восток Ферлаг» матбаа компанияси томонидан кўп минг тиражда нашр қилинган бу журналнинг олтмиш тўрт саҳифасида республикамиз ҳаётига оид энг ёрқин жиҳатлар акс эттирилган.

Ушбу нашрнинг ўзига хос томони шундаки, Германия жамоатчилиги ва бошқа немисзабон ўқувчиларга ўзбекистонлик муаллифлар ижоди орқали мамлакатимиз билан танишиш имконияти берилади.

Фотосуратларга бой бу журналнинг биринчи саҳифасиданоқ юртимиз тарихи, ўзбек давлатчилигининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, ҳозирги кунда республика раҳбарияти бошчилигида демократик жамият қуриш ҳамда минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишиш мумкин.

Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудуд барпо этиш, халқаро терроризм ва наркобизнес ўчоқларини бартараф этишга қаратилган тинчлик ташаббуслари журналда марказий ўринлардан бирини эгаллайди.

Республикамизнинг нуфузли халқаро ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, мамлакатнинг таълим тизими, аёлларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сайёҳлик салоҳияти, санъати ва маданиятига доир мақолаларда мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятга шаҳдам қадамлар билан кириб бораётгани ва изчил равишда олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида қўлга киритилаётган ютуқлар акс эттирилган.

Ушбу нашр орқали немис ўқувчилари ўзбек халқига хос бўлган Ватанга садоқат, ота-онага муҳаббат ва фарзандлик бурчи, катталарга эҳтиром туйғулари билан танишиш баробарида, Амир Темур, Имом ал-Бухорий, Алишер Навоий, Баҳоуддин Нақшбандий, Хўжа Аҳмад Яссавий, Ал-Фарғоний ва бошқаларнинг сиймоларида гавдаланган бой маданий меросимизни асраб-авайлаб, эъзозлашимизнинг шоҳиди бўлиш имкониятига эга бўлдилар.

А.АКБАРОВ, «Жаҳон» АА, Берлин.

● ТАЪЛИМ ВА ИСЛОҲОТ

Миллий университет — олий таълим сардори

Президентимизнинг ташаббуслари билан янги университетлар ташкил этилди, қадимий Маъмун академияси тикланди. Марказий Осиё республикаларининг тўнғич илм ва зиё маскани ҳисобланган Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университетига «Ўзбекистон Миллий университети» мақоми берилди.



БАРҲАЁТ МАЪРИФАТ

Ўз озодлигига эришган халқ фақат билим машъали билангина келажак йўлини ёрита олади. Фақат билимгина инсонни озод ва улуғвор қилади. Ақлли ва билимли одамлар ҳамма давр, ҳамма жамият учун керак. Уч нарса миллатни буюк ва саховатли қилади: Ватан тараққиёти учун ёниб яшаш, билимга ташналик, юксак маънавият. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларимизни тиклаш, ёшларимизни билимдон, баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга катта эътибор берилаётгани бежиз эмас.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида назарда тутилган мамлакатимиз тараққиёти учун ҳар томонлама баркамол, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш республикамиздаги барча олий ўқув юртлари қатори Ўзбекистон Миллий университетининг ҳам зиммасига юклатилган. Университетда таълимнинг узлуксизлиги тўла таъминланган бўлиб, гимназия — академик лицей — бакалавриат — магистратура — аспирантура — докторантура тизими орқали амалга оширилиши йўлга қўйилган. Миллий университетда таълимнинг 29 йўналиши бўйича бакалвр, 72 ихтисослик бўйича магистрлар тайёрланмоқда.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларидан келиб чиқиб янги йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлаш ишларига ҳам катта эътибор берилмоқда. Жумладан, мавжуд фалсафа факультети асосида янги, ижтимоий-сиёсий фанлар факультети ва механика-математика факультети негизида янги компьютер технологиялари факультети ташкил қилинди. Келажакда компьютер технологиялари факультети базасида Германиянинг Илменау университети ҳамда Голландиянинг Фонтус университетлари ҳамкорлигида замонавий компьютер технологиялари бўйича мутахассислар тайёрлаш режалаштирилган. Физика факультетида ЮНЕСКО билан ҳамкорликда халқаро «Назарий физика» кафедраси ташкил қилинди. Университет таркибида 15 факультет, 110 кафедра, 2 институт, С.Ҳ. Сирожиддинов номидаги Академик лицей ва гимназия ишлаб турибди. Мамлакатимизнинг етакчи илм даргоҳида 800 га яқин профессор-ўқитувчилар, шу жумладан, 20 дан ортиқ академик олимлар 6 мингдан ошиқ талабага таълим бермоқда. Университетнинг фаолияти салкам 85 йиллик тарихга эга.

(Давоми 2-бетда.)

«ОТОЙЎЛ» қишлоқ йўлларида

Жиззахдаги «Ўз-Эксайд» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасининг автобус саройи янги йил бошида «Самкочавто» заводидан йигирманчи «Отойўл» автобусини сотиб олди.

Эндиликда «Ўз-Эксайд» автобусларини вилоятнинг барча қишлоқ йўлларида учратиш мумкин. Дастлаб Жиззах шаҳри, Мирзачўл, Бахмал, Зомин туманлари йўналишлари бўйича қатнаган автобуслар байрам арафасида вилоятнинг энг олис тоғ қишлоқларидан бири — Қорабдол аҳолисига ҳам хизмат кўрсата бошлади.

«Отойўл»нинг мунтазам қатнови туфайли олис қишлоқлар аҳолиси ҳам вилоят марказига қийинчиликсиз келиб-кетиш имкониятига эга бўлмоқда. Вилоятда ушбу русумдаги автобуслар қатнови янада кенгайтирилади.

ЎзА

НАВРЎЗ: танловга марҳамат!



Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ўзбек халқининг қадимий байрами — Наврўзга бағишланган миллий урф-одатлар ва қадриятларни тараннум этувчи янги анъаналарни қарор топтиришга йўналтирилган ижодий ғояларнинг ранг-баранг, бадиий жиҳатдан юқори даражада бўлишини таъминлаш мақсадида 2003 йил 1 январдан 2003 йил 10 февралга қадар қуйидаги йўналишлар бўйича республика очиқ танловини эълон қилади:

- *Наврўз умумхалқ байрамини ўтказиш ғоялари учун;*
- *Пойтахтдаги асосий байрам томошасининг бадиий сценарийси учун;*
- *Янги яратилган мусиқа асарлари учун;*
- *Байрам томошасини саҳналаштириш режаси учун;*
- *Энг яхши бадиий декоратив безаш учун.*

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

Тавсия қилинадиган бадиий дастурлар муаллифлари, танловда кўрсатилган йўналишлар бўйича якка тартибда ёки ижодий гуруҳ таркибида танловда қатнашишлари мумкин. Муаллифлар бадиий дастурларининг матнларида Наврўз байрамининг тарихий анъаналари, қадимий халқ ўйинлари, термалари, қўшиқлари ва фольклор-этнографик хусусиятларини байрамона рухда ифода этишлари, Мустақиллик туфайли республикамизда рўй бераётган оламшумул ўзгаришларни, ислоҳотларни ва янгиликларни ўзига хос бадиий шаклда кўрсатишлари ҳамда уларда пойтахтимизнинг байрам ўтказиладиган Алишер Навоий номидаги мажмуаси, Ўзбекистон Миллий боғи, Тошкент шаҳри майдонлари ва сайилгоҳларини ҳисобга олишлари шарт.

Бадиий дастурлар қўлёзмалари тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Байрам бадиий дастурлари бир ярим соатга мўлжалланиши ва компьютерда ёки машинкада 3 нусхада кўчирилган бўлиб, 30-40 саҳифадан ошмаслиги лозим.

Ғолиблар ҳайъат аъзоларининг очиқ йиғилишида учдан икки фоиз овоз олиш орқали белгиланадилар.

Ҳайъат танлов эълон қилинган кундан бошлаб иш бошлайди. Ҳайъат котибияти белгиланган кунда йиғилиш ўтказиб, ғолибларни аниқлайди.

Танлов ғолиблари қуйидаги тартибда тақдирланадилар:

Ижодий гуруҳлар учун:

I мукофот — 400000 (тўрт юз минг) сўм;
II мукофот — 300000 (уч юз минг) сўм;
III мукофот — 200000 (икки юз минг) сўм.

Якка тартибда иштирок этганлар учун:

I мукофот — 150000 (юз эллик минг) сўм;
II мукофот — 100000 (юз минг) сўм;
III мукофот — 50000 (эллик минг) сўм.

I мукофот соҳиблари пойтахтдаги асосий байрам томошасини саҳналаштириш жараёнида қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Танлов муассислари:

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги;
«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси;
«Ўзтелерадио» компанияси;
Тошкент шаҳар ҳокимлиги;
Ёзувчилар уюшмаси;
Бастакорлар уюшмаси;
Бадиий академия;
«Наврўз» Халқаро жамғармаси.

Танлов иштирокчилари қуйидаги манзилга 2003 йил 10 февралга қадар мурожаат қилишлари мумкин. Индекс: 700129. Тошкент шаҳри. Навоий кўчаси — 30. Маданият ишлари вазирлиги. Тел.: 144-63-73

Кўрик-танлов ғолиблари

Оролни қутқариш Халқаро жамғармаси ижроия қўмитаси Нукус филиали ўтказган «Сув – тирикчилик манбаи» кўрик-танлови якунланди. Унга адабий асарлар, радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар тақдим этилганди.

Махсус комиссия келиб тушган материалларни ҳар томонлама ўрганиб, совриндорларни аниқлади Қ.Бердиниёзовнинг «Ҳаёт ўзаги ўзимизнинг қўлимизда» мақоласи (90 минг сўм), К.Давлетмуротовнинг «Сув – тирикчилик манбаи» телекўрсатуви(100 минг сўм), радиоэшиттиришлар бўйича (75 минг сўм) эса К.Жуманазаровнинг «Бу йилги сувдан тежаб-тергаб фойдаландикми?» эшиттириши танлов мукофотларига сазовор бўлди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Янги йилнинг янги меҳмонлари

Соғликни саклаш вазирлигининг Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси берган маълумотга кўра, мамлакатимизда 2003 йил 1 январь куни 1350 нафар ўғил-қиз дунёга келди.

Соат ўн икки марта занг урди. Янги 2003 йил кириб келди. Қалбимиздан қувонч тошган шу лаҳзаларда, оламни гўдак чинқириғи тутди. Дунё уйғонди. Аслида шодликларнинг боши фарзанд. Авлод давомчиси, миллат шон-шавкати, қудрати – фарзанд. Бу улкан бахт, ой каби балқиган севинч, бизнинг кулгуларимизга зарб билан урилади. Ҳа, 2003 Янги йилимизнинг янги меҳмони дунёга келди. Она кўзларида нур порлади. Ота кўксида осмон туғилди. Юрт сарҳадларига посбон, оила кўрғонига соябон туғилганлигини, борлигини англатиш ниятида ҳамон чинқирмоқда. Эзгулик давом этади. Шуҳрат сўнмайди. Нур ва ҳақиқат барҳаёт.

Зулфияхонимдай шеърият маликалари, Саида Зуннунова каби садоқат тимсоллари, Зарифа`Саидносирова сингари зукко, зебо олималар авлоди бўлган паричеҳра қизларимиз туғилаверадилар.

Муҳаммадқодирдек қудратли, Нурхондай жасур, Миржалолдек эпчил, Рустами достондай закий ўғлонлар дунёга келаверадилар. Ўзбек номи авлодлар, келажак умидлари шони, қонида яшайверади.

Фаррух ҲАМРОЕВ

Суратларда: 1. Чирчиқ шаҳридаги Тошкент вилояти туғуруқ комплекси болалар шифокори Шарифа Абдураҳмонова (чапдан) ва ҳамшира Зебо Нурматова янги йилнинг илк лаҳзаларида бешинчи ўғил фарзанд кўрган Дилфуза Режаевани қутлашмоқда. 2. Туғуруқхонанинг бир гуруҳ шифокор ва ҳамширалари.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

● ХДП ХАБАРИ

Қонунлар ўрганилмоқда

Ўзбекистон ХДП Собир Раҳимов туман кенгаши Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ ўнинчи сессиясида қабул қилинган ҳужжатларни партия аъзолари, туман аҳолиси ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Тумандаги кўпгина ҳудудий бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтаётган йиғилишларда олдинда турган вазифалар тўғрисидаги масалалар муҳокама этилмоқда. Яқинда шундай йиғилишлардан бири юзлаб нафар киши меҳнат қилаётган Йўлдош Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикасида ўтказилди.

Йиғилишда сўз олган туман кенгаши биринчи котиби Аваз Муҳаммаджонов қабул қилинаётган қонунлар бўйича ўз фикрларини билдириб, жамиятимизда қонун, қонун устуворлиги асосий ўринни эгаллаб бораётганлигига алоҳида тўхталди. Шунингдек, йиғилишда сўзга чиққан Тошкент шаҳар «Маънавият ва маърифат» кенгаши ходими Ҳамид Ҳакимов ҳам ҳозирги кунда боғча тарбияланувчиларидан тортиб то барча тоифадаги жамоатчилик вакиллари қонунларни пухта ўрганишга, мукаммал билишга интилаётганлигини таъкидлади. Бу эса жамият ривожи тезлашишини таъминлашида асосий омил бўлишини уқтирди.

Тадбирга тўпланган фабрика ёшларидан кўплаб саволлар тушди. Бу эса уларнинг қабул қилинаётган қонун ва ҳужжатларни чуқур билишга қизиқиши ортганлигини кўрсатди. Шунингдек, йиғилиш якунида 24 нафар қиз ХДП сафига қабул қилиндилар. Уларга партия билетлари топширилди.

Ўз мухбиримиз

«Боғитуркон»да янги коллеж

Ромитан туманида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ касб-ҳунар коллежлари қурилишига катта эътибор берилмоқда. Яқинда туманнинг «Боғитуркон» фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудида 275 ўқувчига мўлжалланган қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг янги биноси фойдаланишга топширилди. 730 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарган 20-трест ҳиссадорлик жамиятининг 9- кўчма механизациялашган жамланмаси жамоаси бунёд этган бу ҳунар масканида 20 та фан кабинети, 4 та лингафон, 2 та компьютер хонаси, лабораториялар мавжуд.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

● ТАЪЛИМ ВА ИСЛОҲОТ

Миллий университет – олий таълим сардори

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ЧУҚУР БИЛИМ – ЗАМОН ТАЛАБИ

Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг замонавий услуби – рейтинг тизими ўқув жараёнига жорий этилган. Факультетларда ташкил қилинган сифат комиссиялари ўқитувчилар томонидан ўтилаётган дарслар сифати ва талабалар томонидан бу дарсларни ўзлаштириш даражаси устидан мунтазам равишда назорат олиб борадилар. Ўқув жараёнининг асосий омилларидан бири – ўқитувчи ва талаба. 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб ўқув жараёнига модуль тизими жорий қилинди. Унинг моҳияти ҳар бир талабанинг ўз устида мустақил ишлашини таъминлашга қаратилган бўлиб, уни ўзлаштириш ҳар бир фан бўйича белгиланган профессор-ўқитувчилар назорати остида олиб борилади. Бу тизимда ўтиладиган фанлар бўйича дарсликлар ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминлаш зарурлигини ҳисобга олиб, барча факультетларда махсус кутубхоналар ташкил қилинди. Ўқув режасидаги барча фанлардан маъруза матнлари тайёрланди. Ҳар йили 200 га яқин номдаги бир неча маҳаллий ва хорижий илмий, даврий журналларга обуна ташкил этилмоқда.

Ҳар бир иқтидорли талабага кафедралар томонидан тажрибали профессор-ўқитувчилар ажратилган бўлиб, улар шахсий режа асосида қўшимча машғулотларга қатнашмоқдалар. Кўпчилиги илмий-тадқиқот гуруҳларига ишга қабул қилинган. Иқтидорли талабалардан бир нечтаси ҳар йили Президент стипендиясининг совриндори бўлмоқда.

ТАЪЛИМ ПОЙДЕВОРИ

1998 йилдан бошлаб факультет ва кафедралар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида турли жиҳозлар, ўқитиш техника воситалари, компьютерлар, ўқув адабиётлари харид қилинди. «Ай-Би-Си-5», «Пентиум-2» русумидаги юз дона компьютердан иборат тизимлар, иккита ризограф, «Локал ҳисоблаш маркази» ташкил қилиш учун мўлжалланган 16 процессорли комплекс қурилмалар келтириб ўрнатилди. Интернетга уланиш, кутубхона картотекаларини компьютерлаштириш, барча факультет ва бўлинмаларни боғловчи ички компьютер тармоғини ишга тушириш амалга оширилди. Йигирма учта компьютер синфлари ташкил этилди.

Кейинги икки йил ичида физика, тарих, ижтимоий-сиёсий фанлар факультетларида интернетга уланган ахборот-таъминот марказлари ташкил этилди. Ўн беш факультетнинг тўққизтаси ягона компьютер тизимига уланган. Бунинг натижасида университет ҳамда унинг айрим бўлинмаларига ахборот етказиш хизмати такомиллаштирилади. Бу биринчидан, иккинчидан эса ягона ахборот тизими Миллий университетнинг барча бўлинмаларини бошқаришнинг самарадорлигини оширади. Учинчидан, янги технологияларни кенг жорий этиш ўқув жараёни сифатига жиддий таъсир ўтказади. Тўртинчидан, бу ҳали масофадан туриб, ўқитишни йўлга қўйишда ҳам кенг имкониятлар яратади. Бу нарса қийинчиликсиз дунё таълим тизими билан бирлашиши ҳамда ўқув жараёнининг интерфаоллигини оширишга хизмат қилувчи қулай ва динамик ноу-хаудир. Университет «Пентиум-3» русумидаги компьютерларда ишлаётганига атиги икки йил бўлганига қарамай, бугунги кунда ривожланган мамлакатларда «Пентиум»нинг 4-авлоди қўлланмоқда. Бутун жаҳонда XX асрнинг глобал муаммоси – саводсизликни тугатишдан иборат бўлган бўлса, кириб келган XXI асрда олдимизда бундан кам бўлмаган глобал миқёсдаги яна бир муаммо – компьютер саводсизлигини бартараф этиш вазифаси турибди.



Ўзбекистон бозор иқтисодиётининг ўткинчи қоноқтураларига берилмасдан таълимни оммавий тусда пуллик қилиш йўлидан бормади. Беҳисоб пуллик олий ўқув юртлари тармоқларини яратмади. Бу масалада ўзибўларчиликка йўл қўйиб бўлмаслигини англаган ҳолда олийгоҳ битирувчиларининг малака сифатини оширишга эътиборни кучайтирди. Фақатгина олий ўқув юртлари ўртасида ўрнатилган ва тараққий этаётган алоқалар билан чекланиб қолмасдан интернет яратган имкониятлардан фойдаланмоқ зарур. Миллий университет дунёдаги етакчи олий ўқув юртларида ишлаб чиқилган ўқув стандартлари, дастурлар, режалар, илмий лойиҳалар электрон нусхаларини олиш, уларнинг виртуал кутубхоналарига кириш, шунингдек дунёдаги йирик кутубхоналар маълумот банкига, электрон илмий журналлар ва бошқа нашрларга киришга имкониятига эга бўлмоғи керак. Бу, албатта, катта харажатларнигина эмас, балки профессор-ўқитувчилар таркиби, шунингдек талаба – бакалавриатлар ва магистрантлар руҳиятини қайта ўзгартиришни ҳам тақозо этади.

МАЛАКАСИ ЮКСАК МУДАРРИС ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИС ТАЙЁРЛАЙДИ

Университет қошидаги олий педагогика институти республикамиз олий ўқув юртларидаги ижтимоий-гуманитар ҳамда табиий фан йўналишлари бўйича профессор-ўқитувчилари ҳамда академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари малакасини оширишга хизмат қилиб келмоқда. Университет профессор-ўқитувчилари малакасини ошириш – олий педагогика институти, Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стартегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтлари ҳамда хорижий мамлакатларнинг етакчи университетларида йўлга қўйилган. Малака ошириш режасига асосан ҳар йили 80-100 нафар профессор-ўқитувчи юқорида қайд қилинган муассасаларда ўз малакаларини ошириб келмоқдалар. Шунингдек, «Устоз» жамғармаси орқали, университетдаги «Тарих», «Психология», «Спрайт», «ДААД», СОРОС, «Ўзбекинфо» лойиҳалари бўйича Германия, Япония ва бошқа мамлакатларининг етакчи университетларида кейинги беш йил давомида 600 га яқин профессор-ўқитувчилар, докторантлар, аспирантлар, иқтидорли талабалар ўз малакаларини ошириб келдилар.

Ғарб ва Шарқдаги ривожланган мамлакатларнинг 15 та университети билан шартномаларнинг тузилиши умумий илмий-тадқиқот, ўқув ишларининг жаҳон талаблари даражасига етишида ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Университетнинг халқаро алоқалари йил сайин мустаҳкамланиб, кенгайиб бормоқда. Ҳозир АҚШнинг Вашингтон, Кент, Англиянинг тўртта, Германиянинг олтита, Испаниянинг иккита, ХХРнинг Синцзян, Даниянинг Копенгаген университетлари билан илмий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Университетда олтмишта халқаро ва республика грантлари бўйича самарали илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

МАЪНАВИЙ, АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ

Маънавий-маърифий ислоҳотлар, Таълим тўғрисидаги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган комил инсонни шакллантириш вазифаларидан келиб чиқиб, университет жамоаси кенг кўламда маънавий-маърифий ишларни амалга оширмоқда. Маънавий ахлоқий тарбия ёшларда касбга масъуллик, ижодий тафаккур, Ватан ва миллатга фидойилик туйғуларини шакллантиришга қаратилган. Ўқув гуруҳларида кураторлик тизими қайта тикланди. Маданият саройида 14 та турли хил тўгараклар фаолият кўрсатмоқда.

Университет талабалари спорт мусобақаларида қатнашиб совринли ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Жумладан, «Универсиада-2000» спорт мусобақаларида университет талабаси А.Юсубалиева шоҳмот бўйича 1-ўринни эгаллаб, Президентимизнинг махсус соврини – «Тико» автомашинаси ҳамда олтин медаль билан тақдирланди. Механика-математика факультети магистри Рустам Қосимжонов шоҳмот бўйича халқаро гроссмейстр унвонини эгаллади. У Бельгия, Германия, Осиё давлатларида бўлиб ўтган шоҳмот мусобақаларида ғолибликни қўлга киритди. Республика олий ўқув юртлари ўртасида ўтказилган «Ниҳол» театр фестивалида университет жамоаси икки йил кетма-кет биринчи ўринни эгаллади.

Университетнинг хор жамоаси Германиянинг Полхайм шаҳрида ўтказилган халқаро танловда қатнашиб совриндор бўлди.

МАЪРИФАТ ОЙНАСИ

Университет ўқув бинолари ва талабалар уйларини капитал таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Университет қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб боряпти. Профессор-ўқитувчиларни, талабаларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ҳар йили қўшимча чора-тадбирлар изланмоқда.

Университетда тўлов-контракт асосида талабаликка қабул қилишдан ташқари, тайёрлов курслари, компьютер хорижий тилларни ўргатиш курслари каби қўшимча таълим хизматлари орқали бюджетдан ташқари маблағлар топиб, ўқув жараёнини такомиллаштириш, кафедралар моддий-техника базасини яхшилаш ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Бундан ташқари университет таълим соҳасидаги халқаро лойиҳаларда қатнашиб, моддий-техника базасини мустаҳкамламоқда. Хўжалик шартномалари бўйича 95 миллион сўмлик маблағ топилди.

Педагог кадрлар ва талабаларнинг унумли меҳнат қилиши, ўқиши, даволаниши, хордиқ чиқариши учун ҳам зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Ўзбекистон миллий университети мамлакатимизда олий таълимнинг сардори бўлиб келган. Ана шу нуфузнинг ўзиёқ университет жамоаси зиммасига катта масъулият юклайди. Улар кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифаларни сидқидилдан бажарилишига салмоқли ҳисса қўшишни ўзлари учун шарафли бурчи деб биладилар.

Анвар КАРИМОВ, тарих фанлари номзоди, доцент

Қудратли армия – тинчлигимиз таянчи

Шу кунларда Оммавий ватанпарварлик ойлиги ўтяпти. Шу муносабат билан жойларда кўплаб тадбирлар уюштирилмоқда. Бунда республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Мудофаа вазирлиги, «Ватанпарвар» газетаси, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмалари ҳамкорлик қилаётир.

Яқинда шу ташкилотлар вакилларидан иборат сайёр гуруҳ Жиззах ва Самарқанд вилоятлари сафаридан қайтди. Жиззахнинг Ҳамид Олимжон номидаги театрида, Олий ҳарбий авиация билим юртида, Самарқанд гарнизонида ҳамда Олий ҳарбий автомобилчи командирлик-муҳандислик билим юрти клубларида аскарлар, курсантлар ва офицерлар иштирокида ўтказилган учрашувлар эсда қоларли ўтди.

Тадбирда Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ ўнинчи сессиясида қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги қонунлар моҳияти кенг ёритилди. Бу эса Қуролли Кучларимизни ислоҳ этишнинг, профессионал армияга ўтишнинг босқичларидан бири бўлганлиги таъкидланди.

Шуҳрат НАСИМОВ

Қасамга

Ўтган йилнинг 18 ноябрь куни Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Қибрай тумани судида республика 1-клиник шифохонанинг травматология бўлими мудири Мирқосим Рихсиев устидан суд ҳукми ўқилди. Суд Жиноят Кодексининг тегишли моддаларига асосан уни 5 йилу 6 ой озодликдан маҳрум қилди. Амнистия туфайли у жазони ўташликдан озод этилди.

Хўш, оқ халатли шифокор нега суднинг қора курсисига ўтирди экан?

Искандар одатдагидек дарсдан сўнг спорт залида эди. Югурди, сакради. Чигалёзди машқлардан сўнг бироз тош кўтарди. Қалтис ҳаракат қилиндими, елкасида оғриқ пайдо бўлди. Ўтиб кетар, деб бироз кутди. Йўқ. Оғриқ кучайди. Ва у зални ташлаб чиқиб кетди.

...Чап елкасининг пастки суяги синиб силжиши жароҳатини олган Искандар Бобоёров муолажа истаб Миробод туманидаги республика 1-клиник шифохонасига мурожаат қилди. Травматология бўлими мудири, шифокор М.Рихсиев острисинтез, яъни суяк бўлакларини тўғрилаб, жойжойига қўйиб маҳкамлаш пластик операциясини ўтказди. Искандарнинг аҳволи яхшилангач, уйига жавоб бериб юборди. Хуллас, бироз кўнгилсизлик билан бошланган ҳодиса яхши якун топаётган эди.

Озроқ вақт ўтди. Жароҳат битиш ўрнига қўлни ҳаракатлантириш мумкин бўлмай қолди. У букилган ҳолда қотиб қолган эди. М.Рихсиевга қайта мурожаат қилинди. Шифокор уни олти кун даволаб яна уйига жавоб берди. Аҳвол яхшидек эди.

Бироздан сўнг Искандар яна шифокор ҳузурига келди. Доктор Искандарнинг чап елкасига укол қилди. Орадан кўп ўтмай у қалтирай бошлади. Беҳуш бўлди, алаҳсиради, кўзлари юмилди... Ва юмилган кўзлар қайта очилмади.

Фарзанд доғи ёмон. Навқирон ўғилнинг бевақт ўлими ота-оналарни букиб қўйди. Оёғи билан юриб чиқиб кетган фарзанд тобутда қайтиб келиши... Бу айтишга осон.

Айниқса, азадор Бобоёровлар хонадонига Искандарнинг ўлими билан боғлиқ суд-тиббий экспертизасининг хулосаси нақд тўқмоқдек бўлди. Тошкент шаҳар суд-тиббий экспертиза бюроси ходимлари (А.Величкина, Б.Акбаров) томонидан қўйилган ташҳисда айтилишича, **«Лидокаин» юборилиши организмда бўлган гиёҳвандлик моддасига аралашиб кетиши оқибатида юрак функциясини ишдан чиқариб, бош миянга таъсир қилиши оқибатида ўлим юз берган».**

Соғлом, бақувват, спорт билан шуғулланиб келаётган йигит наҳотки гиёҳванд моддаси истеъмол қилган бўлса?

Искандарнинг гиёҳванд эканлиги ҳақидаги «ташҳис», айниқса, қариндошлар ва қўни-қўшниларни ларзага солиб юборди. Чунки унинг соғломлиги ва бақувватлиги анча-мунча тилга тушган эди. Унинг чекувчи ва ичувчилар тоифасидан эмаслигига улар ҳавас билан қарашарди-да ахир.

Ҳақиқат эгилади, букилади, лекин синмайди, деганлари рост. Бироқ уни яширишмасин, икки қўллаб бир жойга қамаб қўймасин экан... Яширилган ҳақиқатни топиш ва уни юзага чиқармоқ учун инсоннинг ўзи ҳам букилиб қолиши ҳеч гап эмас. Дастлаб, прокуратура органларида ҳам иш пайсалга солинаверди: Ишни тергов қилган терговчилар Б.Комилов ва Т.Саидов М.Рихсиевнинг ҳаракатида жиноят аломати йўқ, дея тегишли жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатиш ҳақида қарор чиқардилар.

Қўни-қўшни, қавми-қариндош ва ота-онанинг Искандар Бобоёров соғлом бола бўлганлиги ҳақидаги тушунтиришлари СТЭ олдида бир пулга ўтмади. Нотўғримитўғрими у расмий ҳужжат эди- да. Юзта одамнинг гувоҳлиги шу бир парча қоғоз кучига арзимайди. Хуллас, И.Бобоёров ўз ўлимига ўзи сабабчи бўлиб қолаверади.

МУЛОҲАЗА

Туя боққан бой бўлади

АРЗОН ВА ПАРҲЕЗЛИ ГЎШТ, СУТ... ЖУН БЕРАДИГАН, «ЧЎЛ КЕМАСИ» ҲИСОБЛАНГАН БУ ЖОНИВОРЛАРНИ КЎПАЙТИРИШГА НИМА ХАЛАҚИТ БЕРАЯПТИ?

Туячилик юртимизда қадим-қадимдан ривожланган. Ота-боболаримиз ҳовлисида кўрадаги қўй-қўзиси, молхонасидаги сигир-бузоғи билан бирга от ва туяси ҳам бўлган. Шўро тузуми даврида унутилаёзган бу анъанани эндиликда имконияти бор ҳудудлардаги оилаларда тикласа бўладиган пайт келди. У кучли, чидамли, беминнат ва камхарж улов бўлибгина қолмай, гўшти ва сутининг ғоят парҳезлиги билан ҳам инсон саломатлигига жуда-жуда фойдали. Жуни, териси кишилар эҳтиёжига асқотади.

Туядан илгари — поезд ва самолётларга қадар мамлакатлараро савдо-сотиқни йўлга қўйиш, миллатлар ва элатларнинг урф-одатларини бир-бирига яқинлаштириш каби соҳаларда ҳам фойдаланилганлигини ёд этсак, унинг салоҳияти ва нуфузи янада ойдинлашади. Яқин-яқинларда ҳам туя миниб юриб, ўзбек дутор чертгани ва қўшиқ айтгани, қозоқ эса дўмбираси билан унга жўровоз бўлгани кўпчиликнинг эсида.

Ҳозир ҳам дунёдаги ярим саҳро ва чўл ҳудудлари халқлари ҳаётида туялар муҳим аҳамиятга эга. У очлик ва ташналиккагина эмас, касалликка ҳам ўта чидамли жонивор. Тирик оғирлиги 800-1000 килограммгача бўлган ҳар бир туядан 8-12 килограммгача майин тивитли жун олиш мумкин. Статистика маълумотларига қараганда, ҳозир дунёда 14 миллиондан ортиқ туя мавжуд экан. Мамлакатимизда эса 22 мингдан ортиқроқ. Бу рақам тармоққа бўлган эътибор даражасини кўрсатиб турибди, албатта.

Туя биологик хусусиятига кўра, бир ва икки ўркачлиларга бўлинади. Икки ўркачли туялар асосан совуқ иқлимга мослашган бўлса, бир ўркачлилар иссиқ шароитга чидамли. Яхши семирган туя ўркачида 150 килограммгача ёғ тўпланади. Улар 35-40 йилгача ҳаёт кечиради. Уни беш ёшидан бошлаб 20-25 йилгача турли мақсадларда ишлатиш ва фойдаланиш мумкин. 420 кунгача сут беради. Туркий халқлар қадимдан севиб истеъмол қиладиган ичимлик — туя шубати (қозоқча), чол (туркманча), қимрон (ўзбекча) ҳам ана шу серхосият жонивор маҳсулотларидир. Туяларга тирик вазнининг 45-50 фоизи оғирлигича юк ортиш мумкин. Бир кеча-кундузда 30-35 километр йўл босиш ўртача меъёр. Бир кунда 10-12 соат ишлатиш туя учун ҳеч гапмас. Тўғри, XXI асрда туядан фойдаланиш кулгилидек туюлиши мумкин. Бироқ, аҳолининг 60 фоиздан зиёдроғи қишлоқ жойларида яшашини инобатга олсак, туяларнинг аҳамиятини аниқроқ тасаввур қилиш қийин эмас.

Мамлакатимизнинг Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистондаги чўл, ярим чўл яйловларида туячиликни ривожлантиришнинг табиий имкониятлари катта. Қолаверса, бу ҳудудларда туя ўтлайдиган турли хил дағал ва майин хашаклар мўл. Шу боиски, наздимизда кам чиқим сарфлаб уни кўпайтириш, арзон ва парҳезли гўшт, сут ва жун етиштиришни йўлга қўйиш, соҳага тадбиркорлар ва ишбилармонлар эътиборини қаратиш вақти келди. Туячилик фермер хўжаликларини кўпайтириш лозим. Республика миқёсида бирор-бир нодавлат жамғарма (ташкилот, уюшма) тузилса ва у туячиликни ривожлантиришга асос бўлса, деган мулоҳаза бор. Асосий сўзни олимлар ва мутахассислардан ҳам эшитсак, деган ниятдамиз.

■ Суннат КЎБАЕВ,
Республикада хизмат кўрсатган чорвадор,
Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

• ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

хиёнат

ЁКИ НАВҚИРОН ЙИГИТ ҲАЁТИ ШИФОКОР АЙБИ БИЛАН СЎНГАНИ ВА ВАФОТИДАН СЎНГ «У ГИЁҲВАНД МОДДАСИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛГАН», ДЕГАН ТАШҲИС ҚЎЙИЛГАНИ ҲАҚИДА

Ота-онанинг қадди яна букилди, бир ғамига ўн ғам қўшилди. Фарзанд доғи етмаганидек, у гиёҳванд бўлган, деган тавқи-лаънатга қолди.

Чопсанг-югурсанг ҳақиқат бор экан. Яна текшир-текшир ва қайта экспертиза қилиш...

... Тошкент шаҳар СТЭ бюроси эксперти Б.Содиқов мурдани кўздан кечирганда эса унинг соғлом бўлгани ва танасида гиёҳванд моддаси мавжуд эмаслиги маълум бўлди. Искандарнинг ўлими «Лидокаин»нинг юракка таъсири оқибатида келиб чиққан, деган хулоса берди.

Суд жараёнида ҳолат янада ойдинлашди. Бевосита суд жараёнида биз ҳам иштирок этиб, бунга амин бўлдик. Маълум бўлишича, шифохонада дори-дармонлар унчалик етишмас экан. Шунинг учун даволанишга келган беморлар керакли дориларини ўзи билан олиб келишларига тўғри келаркан. Буни суд жараёнида шифохона врачлари ҳам, раҳбарлари ҳам эътироф этишди. Искандар ҳам «Лидокаин» уколини ўзи олиб келган. Шифокор эса унинг яроқли ёки яроқсиз эканлигини текшириб ўтирмайди. «Лидокаин» Искандарга реакция берадими-йўқми аниқламасдан дорининг ҳаммасини унинг танасига юборади. Бироздан сўнг Искандар алаҳсирай бошлайди, ҳушидан кетади. Ёрдамга етиб келган шифокорлар эса кеч қолишган эди...

Масъулиятсизлик, шифохонадаги тартибсиз ҳолат ёшгина умрни хазон қилди. Бир оила боқувчисиз, жажжи қизалоқ отасиз қолди.

Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Қибрай тумани суди марҳумнинг танасида гиёҳванд моддаси бўлган, деб эксперт хулосаси қилган ҳамда ишни асоссиз бир неча марта ҳаракатдан тўхтатганлар устидан хусусий ажрим чиқарди. Ажрим нусхаси муҳокама қилиш ҳамда тегишли чора-тадбирлар кўриш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигига, 1-клиник шифохона раҳбариятига, Тошкент шаҳар прокуратурасига юборилди.

Тегишли ташкилотлар юқоридагидек хунук ҳодисалар қайта содир бўлмаслиги учун қандай чоралар кўрди экан? Айбдорлар жазо олдими, воқеадан қандай хулоса қилинди, қанақа амалий ишлар бажарилган?..

Бизнингча, бу ҳодиса ҳаммани сергак торттириши лозим. Дори-дармон етишмаслиги фақат 1-клиник шифохонага тегишли эмас. Одамлар шифохоналарда ўз дориларига даволанаётганлари бор гап.

Инсон зотига тана соғлигидан ташқари ҳақиқатнинг бус-бутунлиги ҳамиша, ҳар доим керак. Уни соғлом сақлаш, авайлаш ҳамманинг бурчи. Айниқса, бу ҳақиқий инсон саломатлиги, ҳаёти билан боғлиқ бўлса. Гиппократ қасамёдига юзаки қараш, унга хиёнат ҳеч қачон ҳеч кимга яхшилик келтирмаган. Аниқроғи фожиа ва жиноят билан тугаган.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
Акбар ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Ҳудудий муаммони ҳал этмоқчи

Япония Бош вазири Дзюнъитиро Коидзуми бугун Россияга биринчи бор ташриф буюради. Ташриф давомида у Жанубий Курилнинг тўрт оролига тааллуқли ҳудудий муаммони дўстона вазиятда ҳал этмоқчи, яъни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан тинчлик шартномасига қўл қўйиши кутилмоқда.

«Мазкур ҳудудий муаммо ўтмишнинг бизга қолдирган номақбул меросидир, — деди Коидзуми «Интерфакс» журналистига берган интервьюсида. — Тинчлик ва дўстлик шартномасини тезроқ имзолаб Япония — Россия муносабатларини меъёрий даражада тиклаб олишимиз керак».

Журналистик бурчини бажараётиб...

Журналистлик ҳам оғир ва ўз ҳаётини хавфга қўйишни тақозо этадиган касблардан ҳисобланади. Яқинда Жаҳон журналистларини ҳимоя қилиш қўмитаси 2002 йили ўзининг касбий бурчини бажараётиб ҳалок бўлган журналистлар рўйхатини эълон қилди. Рўйхатда 19 журналист оламдан кўз юмганлиги қайд этилган.

Қўмита иш бошлаганига 17 йил бўлган бўлса, шу йиллар ичида энг кам кўрсаткичдир бу. Энг кўп ўлим 1994 йилда юз берган. Ўшанда 66 журналист хизмат бурчини бажараётиб қурбон бўлган.

Ўтган йили Покистонда бир журналист ўғирланган ва ўлдирилган. Россияда уч нафар, Колумбияда ҳам уч нафар, яна учтаси унинг ғарбий қирғоғида ҳалок бўлган.

Associated Press агентлиги берган хабарга кўра, дом-дараксиз йўқолган яна уч журналистнинг ҳамда қурбон бўлган бошқа журналистлар иши юзасидан қўмита текшириш олиб бормоқда.

Исроилдан талаб қилди

АҚШ маъмурияти Исроилдан Хитойга қурол етказиб беришни тўхтатишни талаб қилди. Вашингтон расмийларининг фикрича, бу қуролларни Хитой Тайванга қарши ишлатиши мумкин.

Кейинги пайтларда Исроил — Хитой муносабатлари яхшиланиб бормоқда. Шунинг баробарида Исроил қуролларини Хитойга етказиб бериш юзасидан кўпгина шартномалар имзоланган. Иерусалим расмийларининг фикрича, агар бу шартномалар бузилса, Америка учун ўз қуролларини сотиш юзасидан ҳужжатлар имзолашга имкон туғилади. Бундан икки йил аввал АҚШ талаби билан Исроил Хитойга радарлар етказиб бериш шартномасини бекор қилган эди. Ўшанда шартнома шартларини бузганлиги учун Исроил 350 миллион доллар миқдорида Хитойга жарима тўлаган.

Бу хабар Associated Press агентлигидан олинди.

Франция кўчаларида

Мамлакатдан чиқиб кетишга чақирди

Канада ҳукумати Венесуэлада яшовчи Канада фуқароларига мурожаат этиб, тезда мамлакатдан чиқиб кетишларини сўради. Бундан ташқари Канада Ташқи ишлар вазирлиги Венесуэладаги ўзининг айрим дипломатик вакилларини ҳам чақириб олмоқда. Бунга Венесуэладаги нотинч аҳвол сабабдир, дея ўз хабарини якунлайди Reuters агентлиги.

26 февралдан киришади

Литва Президенти Валдас Адамкус иккинчи бор ўтказилган президентлик сайловларида ютқазиб қўйганини тан олди. Миллий телевидение журналистларига берган интервьюсида В. Адамкус ўз рақиби, либерал-демократик партия етакчиси, 46 ёшли Роландас Паксасни сайловлардаги ғалабаси билан табриклади.

Марказий сайлов комиссияси раиси Зенонас Вайгаускас матбуот анжуманида берган маълумотларга кўра, аҳолининг 54,1 фоизи Паксасга овоз берган бўлса, Адамкуснинг номзодини эса 45,09 фоиз аҳоли қўллаб-қувватлаган.

Мавжуд 2015 та сайлов участкасида сайловлар жуда тинч ўтган, ҳеч қандай қонунга хилоф ишлар қайд этилмаган. Сайловларда халқаро кузатувчилар қатнашмаган. Марказий сайлов комиссиясининг фикрича, бу дунё ҳамжамияти Литвани демократик давлат, деб тан олганлигидан далолатдир.

Литвада Президент 5 йил муддатга сайланади.

Дарвоқе, «Новости» агентлиги хабарида ёзилишича, мамлакатнинг янги Президенти 26 февраль куни парламентда қасамёд қабул қилгач, ўз вазифасини бажаришга киришади.

• ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

МОҲ ва Афғонистон

1

Маълумки, якунланган 2002 йилнинг охирида Қозоғистон пойтахти Остонада «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтган эди. Унда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов муҳим бир таклиф — ташаббусни ўртага ташлади. Яъни, «МОҲ»нинг кейинги саммитларига Афғонистонни, хусусан, муваққат ҳукумат раиси Ҳамид Карзайни кузатувчи сифатида таклиф этиш ғоясини илгари сурди. Бу таклиф «МОҲ»га аъзо бошқа мамлакатлар раҳбарларига маъқул бўлди.

Ўзбекистон раҳбарининг таклифидан кўзланган мақсад аниқ: қандай қилиб бўлмасин, қўшни мамлакатдаги сиёсий-иқтисодий вазиятни барқарорлаштиришга кўмаклашиш. Афғонистонда бироз бўлса-да, яхши томонга ўзгаришлар бошланган ҳозирги шароитда бу мамлакатдан ҳимояланишдан кўра унинг муаммоларини ҳал қилишга ёрдамлашиш муҳимдир. Умуман, яхши кунида ҳам, ёмон кунида ҳам қўшнига ҳамкор ва мададкор бўлганга нима етсин. Айниқса, ўтмиши чамбарчас боғланган, илдизи бир, маънавият, урф-одатлари, анъана ва қадриятлари бир қардош халқлар учун бундай ёрдам ҳамда яқинлашувнинг аҳамияти беқиёс.

«Марказий Осиё Ҳамкорлиги» ташкилотига Афғонистонни кузатувчи сифатида таклиф қилиш ҳақида гап борар экан, аввало, «МОҲ»нинг бугунги мавқеи тўғрисида қисқача тўхталиб ўтмаслик мумкин эмас. Ўтган йили бу ташкилотнинг фаолияти жуда самарали бўлди. Айниқса, кейинги уч ойда эришилган натижалар тўрт қўшни давлат, тўрт қардош халқ ҳаётида чуқур из қолдирди. Октябрь ойида Душанбеда бўлиб ўтган саммитда бир қатор муҳим қарорлар қабул қилинди. Ташкилот фаолиятини ривожлантириш бўйича декларация қабул қилиш ҳамда Тошкентда парламентлараро учрашув ва бизнес анжуман ўтказиш тўғрисида келишиб олинган эди. Бу тадбирлар тўлиқ амалга оширилди. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон парламентлари раҳбарларининг ҳамда тўрт давлат ишбилармонларининг ноябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган учрашувлари ғоятда самарали бўлди. Ниҳоят, декабрь ойидаги Остона учрашувида ҳам ташкилотнинг 2003 йилдаги ва ундан кейинги даврдаги ҳаракат дастури билан боғлиқ муҳим режалар белгилаб олинди.

Бир сўз билан айтганда, бугунги «МОҲ» ҳамфикрлилик асосида изчил фаолият кўрсатяпти. Тўрт давлатнинг бу ташкилот доирасидаги ҳамкорлиги иқтисодий, сиёсий, маданий, гуманитар ва бошқа соҳаларни қамраб олмоқда. Мустақиликка таҳдиднинг олдини олиш, ҳудудий яхлитлик ва чегаралар дахлсизлигини ҳимоя қилиш, терроризм, наркобизнес ва бошқа жиноятларга қарши кураш масалаларида ўзаро ёрдам бериш ҳамда яқин ҳамкорлик қилиш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Шунингдек, «МОҲ» доирасида унга аъзо мамлакатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни тобора ривожлантира бориб, босқичма-босқич ягона иқтисодий майдонни вужудга келтириш, транспорт, коммуникация ва энергетика тармоқларида умумий инфратузилма яратиш, чегара ва божхона назорати соҳаларида мувофиқлаштирилган сиёсат юритиш масалалари кўриб чиқилмоқда. Чегаралар масаласида Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида келишувларга эришилаётганлиги, бу борада Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида муваффақиятли музокара олиб борилаётганлиги ҳам «МОҲ» доирасидаги ҳамкорликнинг самарасидир. Умуман, тўрт қардош ва қўшни давлатлар раҳбарларининг учрашувида ҳамиша ҳамфикрлик ҳамда ҳамжиҳатлик муҳити ҳукм сурмоқда. Ҳамкорликнинг қамрови жуда кенглигини ва натижалари самарали бўлаётганлигини, аввало ана шундай муҳит белгиламоқда. Шубҳасиз, бу нарса Афғонистонни ҳам қизиқтириши эҳтимолдан ҳоли эмас.

2

Энди Афғонистоннинг ўзидаги вазиятга келсак, шубҳасиз, аста-секинлик билан бўлса-да, ўзгаришлар жараёни давом этаётганлигининг ўзи ижобий ҳолат. Мамлакатни муваққат ҳукумат бошқараётганлигига бир йилдан ошди. Бу ҳукумат тинчликни сақловчи ташқи кучлар ёрдамида мамлакатда хавфсизликни ва барқарорликни таъминлаш ҳамда бунёдкорлик ишларини кучайтириш борасида саъй-харакатлар олиб бормоқда. Ҳаёт аста-секин изга тушмоқда. Одамлардаги ҳадик, қўрқув, эртанги кунга ишончсизлик чекинди. Қўшни давлатлардан паноҳ топган бир миллион 600 минг қочоқ ватанига қайтди. Бу жараён давом этмоқда. Халқаро ташкилотлар ёрдамида турли юқумли касалликларга қарши фаол ва изчил кураш олиб бориляпти. Ўтган йили уч миллиондан ортиқ бола полиомелитга қарши эмланди. Хорижий давлатларнинг ёрдамида мамлакатда юз бериши мумкин бўлган очарчиликнинг олди олинди. Кобул кўчаларида ҳаёт яна жонланди. Бозорларда тўкинчилик, савдо дўконлари яна хориждан келтирилган қимматбаҳо моллар ва маҳсулотлар билан тўлиб-тошди. Телекўрсатувлар мунтазам тус олди, кино-театрлар ишлай бошлади, транспорт қатнови изга тушди.

Бироқ Афғонистонда ҳали ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар кўп. Гиёҳвандлик моддалари етиштириш ва сотишда аҳвол жуда ташвишли. Мамлакат дунё аҳолисини «заҳри қотил» билан заҳарлашда ҳамон олдинги ўринда турибди. Халқаро терроризм ўчоқлари тугатилган бўлишига қарамасдан террорчиларнинг майда гуруҳлари жон сақлаб қолган бўлишлари мумкин. Шунингдек, мақсадлари ва манфаатлари турлича бўлган гуруҳлар ўртасидаги қарамақаршиликлар ҳали бутунлай бартараф этилгани йўқ. Этник низолар ҳам барҳам топди, деб бўлмайди. Учқундан аланга чиқиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳали ҳам мавжуд. Бу муаммолар йўли билан муросага эришишни мақсадлар ва манфаатлар муштараклигини таъминлашни, миллий армияни шакллантиришни, ҳамма жойда ва ҳамма соҳада ҳукумат назоратини кучайтириш тақозо этади.

3

Ҳозирча эса аксарият вилоятларда марказий ҳукуматдан кўра турли маҳаллий гуруҳларнинг таъсири кучли.

Бошқа бир долзарб муаммо, бу — мамлакат иқтисоди аянчли аҳволдалигидадир. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларича, мамлакат иқтисодини тиклаш учун камида 15 миллиард доллар зарур. Тараққий этган давлатлар 4,8 миллиард доллар беришга рози бўлишди. Амалда ҳозиргача 1,8 миллиард доллар миқдорида ёрдам берилди. Бу маблағ ҳам иқтисодни тиклашга эмас, асосан очликдан азоб чекаётган миллион-миллион аҳолининг қорнини тўйғазишга кетди. Нафақат иқтисодни тиклаш, балки миллий армияни шакллантириш ҳам катта маблағни талаб қилмоқда. Маорифдаги аҳвол эса жуда ташвишли. Мактаб ёшидаги болаларнинг атиги учдан бир қисмигина ўқишга жалб этилган. Қизларнинг 90 фоизи, ўсмирларнинг 60 фоизи ўқишни ва ёзишни билмайди.

Афғонистонга ёрдам беришда қўшни давлатлар ҳам қараб тургани йўқ. Жумладан, Ўзбекистон ўз қўшнисига электр энергияси таъминотида, кўприклар қуришда ва бошқа йўналишларда ёрдам кўрсатяпти. Икки қўшни давлат, икки қардош халқни боғловчи катта кўприк ҳамда дарё портлари бир йилдан кўпроқ вақтдан бери Афғонистон манфаатига хизмат қилмоқда. Дунёнинг турли мамлакатларидан, халқаро ташкилотлардан, хусусий компаниялардан жўнатилаётган инсонпарварлик юкларининг каттагина қисми манзилга шу кўприк ва портлар орқали етказиб берилмоқда.

Албатта, Афғонистонда ҳаётни изга солиб юбориш йўлида учраб турган катта ва кичик муаммолар жуда ҳам кўп. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг, бошқа халқаро ташкилотларнинг, тараққий этган мамлакатларнинг, қўшни давлатларнинг бугунги кундаги саъй-харакатлари ана шу муаммоларни ҳал қилишда афғон халқига, муваққат ҳукуматга ёрдам беришга қаратилган. Бироқ мамлакатдаги бугунги аҳвол ва ўзгаришлар жараёнининг бориши бу ёрдамни янада кучайтириш зарурлигини тақозо этмоқда. Ўзбекистон раҳбари НАТОнинг Прагадаги саммитида ана шунга жаҳон ҳамжамиятининг, дунё жамоатчилигининг, тараққий этган мамлакатларнинг, Токио конференцияси қарорига кўра мажбурият олган давлатларнинг диққат-эътиборини қаратган бўлса, «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» ташкилотининг Остонадаги саммитида Афғонистоннинг муваққат ҳукуматини кузатувчи сифатида бўлса ҳам МОҲ билан ҳамкорлик қилишга даъват этди. Шубҳасиз, бу ҳамкорлик ҳозир тикланиш жараёнини бошидан кечираётган мамлакат учун баъзи муаммоларни ҳал қилишда қулай имкониятлар яратади.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганига ўн бир йилдан ошган бўлса, ана шу даврда унинг ён қўшнисига нисбатан дўстона ва қардошлик муносабати ҳеч қачон ўзгарган эмас. Юртбошимизнинг 1992 йил сентябрь ойида Афғонистонга нисбатан айтган мана бу дил сўзлари бугунги кунда ҳам яхши ниятли қўшнининг эзгу-истагидек акс садо бериб турибди: «Ҳозирги кунда республикамиз Шарқ минтақасидаги кўплаб давлатлар билан ибратомуз ҳамкорлик қилмоқда. Ён қўшнимиз — Афғонистон халқи билан туб маънода қардошлик муносабатларини ривожлантириш эрксевар ва садоқатли Ўзбекистон аҳлининг асл ниятидир. Авлод-аждодларимиз руҳи, халқларимизнинг эзгу ниятлари эндиликда барчани хотиржамликка, тинч меҳнатга, қўшничилик ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга чорламоқда»

Иброҳим НОРМАТОВ
сиёсий шарҳловчи

Бобурни англаш йўлидаги қадам

Бу йил ўзбек халқининг улуғ фарзанди Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 520 йиллиги юртимизда ва жаҳон миқёсида кенг нишонланиши кутилмоқда. Мазкур сана муносабати билан қатор хайрли ишлар амалга оширилиши табиий, албатта. Буюк ўтмишдошимизнинг қолдирган илмий ва ижодий мероси бугун жаҳон халқларининг маънавий бойлигига айланган, десак муболаға бўлмайди. Шу боис, биз авлодлар олдида турган вазифа — улуғ аждодимиз меросини тадқиқ этишни тобора кучайтириш, буюк шоҳ ва шоир бобомизнинг асарларини халқаро миқёсда янада оммалашувини таъминлашдан иборат.

Яқинда Бобур номидаги халқаро хайрия жамғармасида мазкур масалаларга бағишлаб йиғилиш ўтказилди. Таниқли олимлар, адабиётшунослар, Бобур ижодининг ихлосмандлари йиғилган бу тадбирда жамғарманинг ўтган йилдаги фаолиятига қисқача тўхталиб, бошланган йилда амалга оширилажак вазифалар белгилаб олинди.

Мустақилликдан сўнг ўтмиш меросимизга бўлган муносабат ўзгарди. Бобур ижодига, хусусан «Бобурнома»га бўлган қарашлар, ушбу асар бўйича илмий кузатишлар олиб бориш кучайди. Иштирокчиларнинг таъкидлашича, айни кунда долзарб ҳисобланган Бобур асарлари тилининг мукаммал изоҳли луғатини яратишга эътибор қаратилиши лозим.

Тўғри, бу борада илгари ҳам маълум изланишлар олиб борилган. Жумладан, ўтган асрнинг 70-йилларида адабиётшунос олим Хосият Назарова томонидан Бобур асарларидаги тушунилиши қийин бўлган сўзларнинг изоҳли луғати яратилган эди. Ушбу тадқиқотни ғоят муҳим ва қўйилган илк қадамлигини қайд этган ҳолда, бугунги кун нуқтаи назаридан кенг қамровли луғатга эҳтиёж сезилаётгани қайд этилди.

Таъкидлаш керакки, йил давомида бажарилиши мўлжалланаётган мазкур хайрли иш амалга ошса, бу мумтоз адабиётимизни бугунги кун китобхони билан яқинлаштириш йўлидаги асосий қадамлардан бири бўлади.

Матназар ЭЛМУРОДОВ

Хонанда ижодининг янги қирраси

Бир ойдан буён Ўзбекистон халқ артисти, таниқли эстрада хонандаси Юлдуз Усмонова «Арт Бит» компаниясининг таклифига биноан Голландияда гастрол сафарида. Бу мамлакатда у голландиялик машҳур пианиночи ва композитор Микаел Бортслап ҳамда испаниялик мусиқачи Жозеф Винсент билан бирга ўзи учун одат бўлмаган жанрдаги қатор концертларда иштирок этмоқда. Гап Ғарб мамлакатларида кенг ёйилган жаз блюзи тўғрисида бормоқда.

Мазкур европалик мусиқачилар бир неча йиллар давомида ўзбекистонлик хонанда билан самарали ҳамкорлик олиб бориб, қатор Европа мамлакатларида унинг концертларини ташкил этишган. Хусусан, сўнгги беш йил давомида хонанданинг Германия, Голландия, Франция, Швеция, Швейцария ва Бельгияда гастроллари бўлган.

«Арт Бит» компанияси менежери Симон Вайтнинг фикрича, Ю. Усмонованинг шарқона руҳ билан ижро этган жаз композициялари мухлисларини лол қолдирмоқда. Таъкидлаш жоизки, ўзбек халқининг ўта бой мусиқа мероси икки маданиятнинг уйғунлашувига ва унинг натижасини европаликларга ноанъанавий услубда етказишга кенг имконият яратмоқда.

Ж.ДЕҲҚОНОВ,
«Жаҳон» АА,
Брюссель

• ТАБИАТ ВА БИЗ

Кондорни кўришни хоҳлайсизми? Қумай ва павианни-чи?

ТОШКЕНТ ҲАЙВОНОТ БОҒИ ШУ КУНЛАРДА ЖАЖЖИ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БИЛАН ҲАР ҚАЧОНГИДАН ГАВЖУМ

Болалар табиатга, ундаги ҳайвонларга қизиқиш билан қарайди. Улардан завқланадилар. Тирикликнинг минг бир сир-синоатидан ҳайратланадилар. Бугунги кунда Тошкент ҳайвонот боғи катта мақсадлар йўлида иш олиб бормоқда. Бу ер нафақат болаларнинг, балки катталарнинг ҳам маданий хордиқ чиқарадиган севимли масканига айланиб қолган.

23 гектарга яқин майдонни эгаллаган бу боғнинг табиати гўзал, обод. Унда ер шарининг турли бурчакларидан келтирилган ранг-баранг балиқлар, кондор, қумай, болтаютар каби улкан, ноёб қушлар, Амур йўлбарсидан тортиб, Кайман тошбақасигача, Эму лақабли туяқушию, Нил тимсоҳи, павиан гамадрил маймунидан тортиб заҳарли бўғма илонларгача учратасиз.

Ҳайвонот боғи асосан йиртқичлар, судралиб юрувчилар, маймунлар, туёқлилар, қушлар ва балиқлар бўлимидан иборат. Боғга ташриф буюрганлар гўё ўша жонзот яшаётган бепоён чўллар, қалин бутазорлар, улкан тоғлар, даҳшатли ўрмонлар, сирли ғорлар, сув ости салтанатининг мўъжизавий муҳитига тушиб қолгандай бўлишади.

Одатда ҳайвонот боғига келган мактаб ўқувчилари, албатта бу ердаги Экология тарбия марказида бўладилар. Ўз устозлари билан биргаликда биология, зоология, ботаника фанларидан очиқ дарслар ўтказадилар. Марказда турли хил ҳайвонлар ҳаётидан видеолавҳалар намойиш этилади, қизиқарли баҳс-мунозаралар ўтказилади.

Барчада бирдек чуқур таассурот қолдираётган, эстетик завқ бағишлаётган бу масканнинг тарихи узоқларга бориб тақалади. Марказий Осиёда биринчи бўлиб Тошкентда ташкил этилган ҳайвонот боғи 1997 йилда янги жойга кўчди. Бугунги кунда у Евроосиё минтақавий ҳайвонот боғи ва акваториумлар ассоциациясига аъзо, 80 дан ортиқ хорижий давлатлар билан яқин алоқа ўрнатган. Шунингдек, Москва, Николаев, Алмати, Кишинев, Сиэтл, берлинлик мутахассислар билан ҳамкорликдаги ишлари яхши самара бермоқда.

Замонавий усулда қурилган акваториумлар бўлими Ҳамдўстлик давлатларидан фақат Москва ва Тошкент ҳайвонот боғида бор эканлиги кишини қувонтиради. Бу ерда Ҳинд океани, Қизил денгиз ва Амазонка дарёсидан келтирилган беш ярим мингдан ортиқ ранг-баранг балиқлар, Малайзия акулалари ҳам намойиш қилинмоқда. Америка, Франция, Германиядан ташриф буюрган сайёҳлар сув ости табиатининг ажойиблигидан лол қолдилар.

Бу ердаги акваториумлар 150 тонналик сиғимга эга. Шундан 70 тоннаси сунъий тайёрланган океан ва денгиз сувлари билан тўлдирилган. Бу сувларни тайёрлаш ўта мураккаб жараён ҳисобланади. Ҳатто денгиз атрофида жойлашган Калининград шаҳридаги ҳайвонот боғи мутахассислари бу ишнинг уддасидан чиқишолмагани бор гап.

Ҳайвонларни парваришлаш, кўпайтириш анча машаққатли жараён. Айниқса, йиртқич ҳайвонларнинг тутқунликда яшаши ва кўпайиши учун алоҳида шароит яратилиши талаб этилади. Бунинг учун мутахассисларда анча-мунча билим ва малака шаклланган бўлиши лозим. Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, бу борада боғда талайгина илмий ишлар амалга оширилган.

— Дастлаб бу ерда 85 турдаги ҳайвон ва балиқлар мавжуд эди, — деди ҳайвонот боғининг илмий ишлар бўйича директор муовини Азиз Ирисметов. — Ҳозирда қушлар 71, балиқлар 187, йиртқичлар 17, судралиб юрувчилар 28, маймунлар 10, туёқлилар 27 турни ташкил этиб, жами 338 турга кўпайди. Табиатда йўқолиб бораётган ноёб ҳайвонларни ҳеч бўлмаганда ҳайвонот боғида сақлаб қолишга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳатто боғдаги ҳайвонларни кўпайтириш шу ернинг ўзида амалга оширилмоқда. Масалан, Амур йўлбарсида олиб борилган қизиқарли илмий тажриба барчани қувонтирди. 7-8 ёшли йўлбарсдан ярим килоли соғлом зурриёд туғилди. Аммо йўлбарс тутқундалиги учун боласига қайрилиб ҳам қарамади. Нима қилиш керак? Йўли топилди. Янги болалаган итнинг кучуклари билан бирга боқилди. Бундан ташқари, учта йўлбарс боласи ҳам ўлимдан сақлаб қолинди. Ана шу усул билан тутқунликда ҳалок бўлиб кетаётган йўлбарс болалари асраб қолинмоқда. Бундан ташқари туяқушлар, шерлар, бургутлар ва бошқа ҳайвонларнинг ҳам бенуқсон кўпайиши йўлга қўйилган.

Жонзотларни озиқлантиришда ҳар бир озуқани — хашакдан тортиб гўштли озуқагача махсус бактериологик ва биохимик лаборатория текширувидан ўтказилади. Шундай қилиб, боғдаги ҳайвонларнинг соғлом ўсиши таъминланмоқда.

Умида МАНСУРОВА.
«Ўзбекистон овози» мухбири

✧✧✧

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Суратларда: *зоолог Ботир Мақсудхўжаев улкан қанотли (2,5 метр) бургутни намойиш қилмоқда; Танзаниядан келтирилган Эму лақабли туяқуш; янги туғилган йўлбарс боласи, павиан маймуни; чиябўри.*

Йилига миллион евро

Москванинг ЦСКА жамоаси Чехиянинг «Спарта» футболчиси Иржи Ярошик билан беш йиллик шартнома тузди. Чех ярим ҳимоячисига бу йиллар мобайнида 5 миллион евро бериладиган бўлди. У «Худеров», «Усти-над-Лабем», «Теплице», «Слован» ва «Спарта» клубларида тўп сурган. Шундай қилиб, Россия футбол жамоаларига олинган чех ўйинчилари тўрт нафарга етди.

Канадада эришилган зафар

Россия хоккейчи ёшлар терма жамоаси Канадада ўтказилган жаҳон чемпионатида ғалабага эришди. Хал қилувчи учрашувнинг иккинчи қисмида 1:2 ҳисобида ютқазиб турган Россия ёшлари ўзларини ўнглаб олдилар. Григоренко билан Кольцов киритган шайбалар учрашув тақдирини Россия жамоаси фойдасига ҳал қилди.

Марат ғалаба билан бошлади

Таниқли теннисчи Марат Сафин янги мавсумни ғалаба билан бошлади. У Сиднейда ўтказилган «Адидас Интернешнл» халқаро турнирида бельгиялик Оливье Рохусни (6:1, 6:4) мағлубиятга учратди. Қизиғи шундаки, Марат Сафин бултур ана шу теннисчига ютқазиб қўйган эди. Уларнинг бу сафарги учрашуви мухлисларда катта қизиқиш уйғотгани ҳам шундан. Зеро, Сафин мақсадига эришди.

Курниковонинг Сиднейдаги дўкони

Россиялик теннис юлдузи Анна Курникова Австралиянинг Сидней шаҳрида «Адидас» фирмасининг янги дўконини очди. Дўконнинг очилиш маросими муносабати билан шаҳардаги машҳур «Квин Виктория Билдинг» савдо марказига теннисчининг икки мингга яқин мухлиси йиғилди.

«Новости» агентлигининг хабар беришича, тантанада йигирма бир ёшли спортчининг ўзи ҳам иштирок этган. Мухлислар Аннадан дастхатлар олишган, у билан суратларга тушишган. Шунингдек, ишқибозлар машҳур теннисчининг бармоқ изларини эсдалик учун олиб қолиш мақсадида махсус гипсли қоришмалар тайёрлашган.

— 2003 йилда ҳам барча мусобақаларда «Адидас» фирмасининг спорт кийимларида кортга чиқаман, — дейди Анна Курникова. — Бу кийимларни шунчаки рекламасидан мўмай даромад олаётганлигим учун эмас, балки «Адидас» маҳсулотлари сифати аъло даражада бўлганлиги учун танладим, холос.

«Юлдуз»лар Дубайда тўпланишди

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида Италиянинг «Ювентус» ҳамда жаҳон терма жамоалари ўртасида ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Бу ўйин БАА нинг XX асрдаги ёркин футбол юлдузи Аднан ат-Талёнийнинг катта спорт билан хайрлашувига бағишланди. Агар мухлисларимизнинг ёдида бўлса, 1997 йилнинг кузида Тошкентда ўтган «ЖЧ-98» нинг саралаш баҳсларидаги Ўзбекистон — БАА терма жамоалари учрашувида (2:3) ат-Талёний ҳал қилувчи тўпни ҳамюртларимиз дарвозасига киритган эди.

Қизиқарли кечган юлдузлар ўйини эса 4:2 ҳисобида «Ювентус» футболчиларининг ғалабаси билан якунланди. Тўпларни италияликлардан Трезеге (иккита), Замбретти, Палладинолар, жаҳон термасидан Батистута ва Жорж Веалар киритди.

Айланма сканворд



Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.

Ўзбекистон телерадиокомпанияси «Ўзбектелефильм» студияси жамоаси студия бош муҳаррири, ёзувчи Шойим БЎТАЕВга падари бузруквор **Пиримқул БЎТАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 066

15155 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA